*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 22 январь • сешанба № 4 (844)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz




## 2013 йил — “Обод турмуш йили”

***Ислом КАРИМОВ:***

***“Мустақиллик йилларида “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган чуқур мазмунли ибора эл-юртимиз ўртасида кенг тарқалиб, одамларимизни бунёдкорлик туйғуси билан яшашга даъват этиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.***

***Бундай мулоҳаза ва фикрларни умумлаштириб, ўзбекона айтадиган бўлсак, барчамизни ҳаракат ва интилишларимиз негизида, аввалambор, юртимиз, Ватанимизни ҳар томонлама обод қилиш, инсон эркин нафас оладиган, тинч ва фаровон яшайдиган ҳаёт барпо этиш ғояси мужассам эканини, ўйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз”.***



**ИНСОНГА ҳаёт бир марта берилади. Унда қандай яшаш одамнинг ўзига боғлиқ. Ақлли ва меҳнатсевар одамгина ҳаётда бахтли яшайди. Инсон, энг аввало, ҳалол яшаб, ўзидан яхши ном қолдирмоғи лозим. Меҳнатсевар фарзандлар, оқил шогирдлар, гўзал иншоотлар, кўркам боғу роғлар яхши одамлар умрининг безаги ҳисобланади. Инсон одамларга яхшиликни илиниб яшаши лозим. Яхшиликнинг жавоби ҳам яхшиликдир, дея донишмандларимиз бекорга айтишмаган. Яхшилик ерда қолмайди. “...Ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади”.**

# Бахт осмондан тушмайди

## Фаровонлик манбаи ўзимизда, ўз қўлимизда

2

## Адлия ёрдам берди

# Ҳисобот қабул қилишда

## сансалорликка йўл қўйилган

**САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА 168 та хорижий инвестиция ва хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар давлат рўйхатига олинган бўлиб, улар ўзларининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, ҳуқуқий маслаҳатлар олиш ва бошқа масалалар юзасидан вилоят адлия бошқармасига “Ишонч телефони” орқали мурожаат қилмоқда.**

ЖУМЛАДАН, Жомбой туманида фаолият кўрсатаётган “JV MAN Auto Uzbekistan” Ўзбекистон-Германия қўшма корхонаси масъул ходими Бекзод Нуриллаевнинг вилоят статистика бошқармаси бўлим бошлиғи Т.Ҳайдаров томонидан ҳисоботларни олишдаги сансалорликлар тўғрисида бошқарманинг “Ишонч телефони”га қилган мурожаати ўрганиб чиқилди. Ҳақиқатан ҳам Т.Ҳайдаров қўшма корхона ҳисоботларини қабул қилишда асоссиз сансалорликларга йўл қўйганлиги аниқланди ва Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига маъмурий жавобгарликка тортиш юзасидан таклиф киритилди. Суд қарори билан Т.Ҳайдаровга нисбатан 506.485 сўм миқдорида маъмурий жарима жазоси қўлланилди.

**Шарофиддин МУСАЕВ,**
**Самарқанд вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

## Ҳуқуқий тарғибот соати

# Олий Мажлис депутатлари Адлия вазирлигида



МАЪЛУМКИ, Юртбошимиз раҳнамолигида 1997 йилдан буён мамлакатимизда ҳар бир йилга алоҳида ном берилиши анъанага айланган. Жорий 2013 йилнинг ҳам “Обод турмуш йили” деб номланиши бунинг узвий давомидир.

Адлия вазирлигида доимий тарзда ўтказиб келинаётган ўқув-машғулотининг навбатдагиси ҳам жорий йил номидан келиб чиқиб, “Обод турмуш — келажак гарови” мавзуига бағишланди.

Тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, яъни палатанинг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси ўринбосари Зуҳра Ботирова ҳамда Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Абдукамол Раҳмонов иштирок этди.

Улар ўз маърузаларида “Обод турмуш йили” муносабати билан қабул қилинажак Давлат дастури бўйича билдирилаётган фикрлар юзасидан ҳамда давлатимизнинг соғлиқни сақлаш соҳасида эришган ютуқлари ва бу борада қабул қилинган қонунлар моҳияти хусусида фикр юритдилар.



Абдукамол Раҳмоновнинг Ватан ҳимоячиларига бағишлаб ўқиган шеъри йиғилганларни тўлқинлантириб, тадбирга кўтаринкилик бахш этди.



Машғулот сўнгида Адлия вазирлиги ва Олий Мажлис ўртасидаги самарали ҳамкорликни янада фаоллаштиришга келишиб олинди.

**Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

## Янги лойиҳалар амалга оширилади

### Уларнинг сони 26 та



“ЎЗБЕКЭНЕРГО” давлат акциядорлик компанияси раҳбарларининг ОАВга берган хабарига кўра, 2013 йилда Компания умумий қиймати 3,832 миллиард долларлик — 26 та инвестицион лойиҳани амалга оширмоқчи.

Хусусан, умумий қиймати 215,3 миллион доллар бўлган 18 та объектни фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Компания Тошкент иссиқлик электр марказларига газ қувурларини ўрнатиш ишларини якунлайди. Мамлакат жанубидаги энергия таъминоти объектларини қуриб битказади, Сирдарё иссиқлик электростанциясида модернизация ишларини олиб боради.

## “Лукойл” ОАЖ Ўзбекистонга ишонади

### ОАЖ яна 5 миллиард АҚШ доллари миқдорида сармоя киритади

БУГУНГИ КУНГА ҚАДАР “Лукойл” ОАЖ Ўзбекистондаги иккита лойиҳасига 2 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтирган.

“Лукойл Оверсиз” ОАЖ президенти Андрей Кузяев “Россия 24” телеканалига берган интервьюсида таъкидлашича, Ўзбекистондаги лойиҳаларига яна қарийб 5 миллиард АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтиради. Ушбу маблағларга газни қайта ишловчи завод қуриш, юзлаб қудуқларни қазиш ва минглаб километрни ташкил этувчи қувурларни ўтказиш ишлари олиб борилади.

А.Кузяевнинг айтишича, “Лукойл” Ўзбекистонда иккита газ лойиҳасини ўзлаштирмоқда. Булар — “Қандим-Хоузак-Шоди-Қўнғирот” ва “Жануби-Ғарбий Ҳисор” лойиҳалари. Бундан ташқари, компания Оролда ҳам геология-разведка ишларини олиб боряпти.

## Фирибгар куёв

### қайнотани чув туширди

27 ЁШНИ қаршилаган Дилмурод Соҳибовни (исм-фамилиялари ўзгартириб берилмоқда) қайнотаси яхши йигит, деб ўйларди, — дея ёзади Миробод тумани прокуратураси терговчиси **Баҳром Қобилов**. “Ҳуқуқ” газетасига ёзган мақоласида. — Қайнисинглим Нозимани ўзим ЎзМУнинг билогия факультетига ўқишга киритиб қўяман, — деб қайнотасидан 8000 АҚШ долларини олди-ю, йўқолди. Ғалвир сувдан кўтарилгач, Нозиманинг ўқишдан йиқилгани маълум бўлди. Куёвининг фирибгарлигини билиб қолган қайнота ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органга мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Терговда фирибгар куёв ундан ташқари фуқаро А.Тошевдан ҳам 6000 АҚШ доллари ва 400 минг сўм олгани маълум бўлди.

## Саратон ҳамон бедаво

### Бироқ унинг олдини олса бўлади, дейишмоқда мутахассислар

ДУНЁ тиббиёти бу касаллик олдида ожиз. Франциядаги Пастер институти профессори, тиббиёт фанлари доктори Флоранс Колбер-Гарапиннинг фикрича, сут-қатиқ маҳсулотларидаги фойдали бактериялар саратон тўқималари пайдо бўлишига қарши курашар экан.

Соҳа олимлари айрим мева ва сабзавотлардаги пектин моддаси саратон ҳужайраларининг ривожланишига тўсқинлик қилишини аниқлашди. Пектин қора қорағат, олма ва қизил лавлагининг ҳар юз граммида бир граммдан, олхўри, ўрик, апельсин, нок, карам, тарвуз, олча, пиёз ва ошқовоқда эса 0,4-0,9 граммдан мавжуд экан.

Табиий асални тез-тез истеъмол қилиб туриш ҳам саратон хасталигининг олдини оларкан. Ҳар куни битта анор истеъмол қилиш хасталикнинг пайдо бўлишига йўл қўймас экан. Чунки анор пектин моддаси энг кўп мевалар сирасига кираркан. Сабзи шарбатини тез-тез ичиб туриш ҳам ниҳоятда фойдали ҳисобланади. Гуручнинг кепагини қайнатиб ичиш ичак саратонининг олдини олади.

Эътиборлиси, юртимизда ўсаётган барча мева ва сабзавот маҳсулотларида ҳамда тайёрланаётган озиқ-овқатлар таркибида саратон ҳужайраларига қарши курашувчи моддалар бор экан.

## Нафиса ноёб касб эгаси

### У яқинда Мексикага боради



НАФИСА хаттотлик касби билан шуғулланади. Ҳозир у Хоразм Маъмун академиясидаги қадимий қўлёзмалардан нусха олади.

— Техника ривожланган асрда менинг қилаётган ишларим кимларгадир ғалати туюлиши мумкин, — дейди Нафиса.

Аммо қадимий қўлёзмаларни аслидагидек оқ қоғозга кўчириш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди.

Кейинги йилларда Нафиса Зариновани хаттотлик илмига оид 2 та китоби нашрдан чиқди. У айни пайтда Мексикада ўтказиладиган халқаро хаттотлар мусобақасига тайёргарлик кўрмоқда. Омад тилаймиз.

**Зайниддин ОЧИЛБОЙ ўғли**

*“INSON va QONUN”*
*ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!*
Обуна индекси — 137. website: minjust.uz
e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

*“HUQUQ va BURCH”*
*ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!*
Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz
e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

*“Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”*
*ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!*
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

*“Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами”*
*расмий нашрига обуна бўлинг!*
Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz
e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

*LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.*
e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz website: www.lex.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33

# Бахт осмондан тушмайди

## Фаровонлик манбаи ўзимизда, ўз қўлимизда



**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Бахт — юрт тинчлигида. Тинч ва осойишта юртнинг фуқаролари бахтли инсонлардир.

Шундай экан, юртимиздаги тинчлик ва фаровонликларга шукур қилмоғимиз керак. Ҳукуматимиз халқимизнинг фаровон турмуш кечириши учун барча имкониятларни яратиб бермоқда. Буни дунёнинг етакчи мамлакатлари мутахассислари ҳам эътироф этмоқда. Жумладан, **Жавоҳарлаъл Неру номидаги университет ҳузуридаги Халқаро тадқиқотлар профессори Ражан Кумар** шундай дейди: — Ўзбекистонга биринчи бор келишим. Ўзбекистон менинг тасаввуримдагидан анча зиёда — жуда гўзал ва буюк давлат экан.

Глобал молиявий-иқтисодий инқироз шароитида жаҳондаги кўплаб мамлакатларда иқтисодий кўрсаткичларнинг пасайиб кетаётганига қарамай, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотларнинг мунтазам ўсиб бораётгани, ишлаб чиқаришнинг ривожланаётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани, хорижий сармоялар кенг жалб этилаётгани катта муваффақиятдир.

Эътирофда жон бор. Амалга оширилаётган ислоҳотларнинг туб илдизи халқимизнинг фаровонлигини оширишга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир. Айниқса, ёш оилаларга қилинаётган ғамхўрликлар таҳсинга лойиқ.

— Президентимиз ташаббуси билан қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган тураржойларни кўриб, ҳавас қилгандим. Оиламиз аъзоларининг орзулари рўёбга чиқди, — дейди **зангиоталик ўқитувчи Икромжон Қодиров**. — Янги йил арафасида беш хонали, кенг ва ёруғ, барча шароитлари муҳайё этилган уйга эга бўлдик. Ҳовли тўйини ўтказдик. Оиламиз аъзолари номидан Юртбошимизга миннатдорчилик билдирамиз.

**“2012 йилнинг ўзида 2 минг 400 та квартира фойдаланишга топширилган бўлса, келгуси йилда яна шунча квартира қурилади. Ана шундай уйларни сотиб олишда қулай имконият яратиш учун минглаб ёш оилаларга 15 йил муддатга мўлжалланган 210 миллиард сўмга яқин имтиёзли ипотека кредитлари берилди”**.

Мамлакатимизда ўсиб келаётган ёш авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топишига ҳукуматимиз томонидан алоҳида эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ўқиши ва иш билан таъминланиши давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигини барчамиз яхши биламиз. Ҳар йили 600 мингдан зиёд ёшлар ҳаётда ўз ўринларини топишлари учун кенг имкониятлардан фойдаланмоқда. **“Касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун 47 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди”.**

### Таҳлил тахмин эмас, тўғри хулоса демакдир

“Инсон яхши яшаши учун, яхши ишлаши керак”. Инсон ақлини танибдики, ҳар куни миллионлаб кишилар томонидан бу сўзлар айтилади. “Ишлайман”, дейдиган одамга иш берилмаса, бундан-да ёмони йўқ. Ишсиз одамнинг келажаги йўқ. Оиласи ва ўзи қийин аҳволда қолади. Европанинг кўпгина давлатларида ана шундай ҳолат юз бермоқда. Бу ҳақда дунё ОАВлари ҳар куни таҳликали хабарларни айтишдан “чарчамаяпти”. Дунёга фаровон яшаш қандайлигини кўрсатиб қўймоқчи бўлган давлатларда ҳам аҳвол аянчли. Греция, Испания каби давлатларда ҳар куни намойиш, тўс-тўполон! Одамлар иш ўринлари қисқартирилаётганидан норози.

“Евроньюс” телеканалида айтилишича, сўнгги ойларда ягона валюта бирлигига кирувчи давлатларда ишчанлик кайфияти ва бизнес юритишга бўлган ишонч ҳисси сезиларли даражада пасайиб, инқироз ўзининг энг юқори чўққисига чиққан давр — 2009 йилдаги ҳолат билан тенглашиб қолган.

ЕИ ҳудудида сақланиб турган иқтисодий бўҳрон, табиийки, меҳнат бозорига ҳам сезиларли салбий таъсир ўтказмоқда. Хусусан, ёз фаслининг сўнгги ойларида бу ерда ишсизлик 11,3 фоиздан 11,4 фоизга кўтарилган. Мисол учун, Испанияда ушбу кўрсаткич 25 фоиздан юқори, Грецияда ҳам қарийб шунга яқин. Португалияда меҳнатга лаёқатли аҳолининг 15, Италияда 10,5 фоизи ишсизлик мақомини олган. Францияда эса 3 миллиондан ортиқ киши меҳнат биржаларида рўйхатдан ўтган.

Европада ҳозир, айниқса, ёшлар ўртасидаги ишсизлик ўта долзарб масала бўлиб турибди. Маълумотларга қараганда, айни пайтда 15 — 29 ёш оралиғидаги 14 миллиондан ортиқ аҳоли бекорчиликда кун кечирмоқда.

Халқимизда бирни кўриб фикр қил, мингни кўриб шукр қил, деган гап бор. Оллоҳга шукр қилиш керак. Юртимизда “ишлайман, фаровон яшайман”, дейдиган инсон учун имконият эшиклари очилган. Фақат, юракда ғайрат, қалбда ишга меҳр бўлса бас.

**Биргина ўтган йили** 107 мингдан ортиқ ёшлар ишга жойлаштирилгани, 19 минг нафардан зиёд ишсиз ёшлар зарур касбга тайёрлангани, 52 минг нафар йигит-қиз эса ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилингани **катта юмушлар бажарилганидан далолат.**

Ишлаган одам ҳаётда ўзининг орзу-ҳавасларини амалга оширади. Энг асосийси, ҳаётда ўз ўрнини топади. Яхши яшайди. Яхши кийинади. Уй қуради. Тўй қилади. Автомашина сотиб олади. Ва бошқа... Бу ўзбекона тафаккур!

### Кўзи тўқнинг ўзи тўқ

Собиқ иттифоқ даврида 60-70 хонадон яшайдиган қишлоғимизда 6-7 та оилада автомашина бўларди. Яқинда қишлоқдан Тошкентга қайтаётиб туман марказига кетаётган “Нексия”, “Ласетти” каби турнақатор машиналарни кўриб, кайфиятим кўтарилди. Ҳамроҳимдан ҳазил аралаш сўрадим. — Қишлоғимизнинг “бой”ларими?

— Шундай десак ҳам бўлади, — дейди ҳамқишлоғим Илҳомбой Умрзоқов. — Ҳар тўрт-беш хонадоннинг 2 тасида енгил автомашина бор. Одамларимиз чорвачилик билан деҳқончиликнинг ҳадисини олди. Паррандачиликни йўлга қўйган хонадонлар ҳам кам бўлмаяпти. Тижорат қиламан дейдиган одамларга банклар кредит беряпти. Хуллас, ишнинг кўзини билган одам қишлоқда бой-бадавлат яшаяпти. Қўшқават уйлар қураётган, “Нексия”, “Ласетти” минаётганлар ишнинг кўзини биладиган йигитлар. Энг асосийси, қишлоғимизда янги иш ўринлари ташкил қилинмоқда. Тадбиркорларга солиқ тўлашда ҳам имтиёзлар берилмоқда.

**Қишлоқларда маиший хизмат кўрсатиш билан шуғулланаётган якка тартибдаги тадбиркорларнинг уч йил муддатга солиқлардан озод этилгани 40 мингга яқин иш ўрнини ташкил этишга имкон берди**.

Демак, 40 минг нафар одамнинг ҳаёти янада яхшиланган. Бу ишларнинг барчаси давлатимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайлидир. Халқимизда ҳалол топганинг ўзингга буюрсин, деган гап бор. Собиқ иттифоқ даврида халқимизнинг топган даромади ўзига буюрмаган. Хизматни халқимиз қилган, ҳузурини собиқ Марказдаги “катта оға”лар кўрган. Буни катта авлод вакиллари яхши билишади. Халқнинг ҳаёти билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган. Ўзбекистоннинг олтини, ғалласи, пилласи-ю қоракўли, табиий газ ва нефтининг ҳисоб-китобини “катта оға”лар қилган.

“Бир вақтлар биз 900 минг тонна пахта толасини собиқ Марказ ихтиёрига жўнатардик, у ерда ўтирганлар бу бойликни кимга, қанча нархда сотаётганини республикамизда ҳеч ким билмасди.

Ўша пайтлари “Ўзбекистон олтин макони” деган сўзлар кўп айтиларди. Лекин Ўзбекистоннинг олтини, бошқа рангли металлари кимга сотиляпти, қайси нархда сотиляпти ва бунинг ҳисобидан Марказ қанча даромад оляпти, бу даромаддан бизга нима тушаяпти — ана шу ноёб бойликлар эгаси бўлмиш халқимиз бу ҳақда ҳеч нарса билмас эди. Ҳатто Ўзбекистоннинг молия вазири бўла туриб, бу ҳақда мен ҳам билмасдим, — **деди Юртбошимиз Ислом Каримов Халқ депутатлари Фарғона вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида.** — Мен Давлат план қўмитасида 20 йил хизмат қилганман, Молия вазирлигида 4 йил ишлаганман, бинобарин, ана шу масалалар бўйича менда маълумот бўлиши керак эди. Бу хусусда бирор-бир ахборот олишга интилсам, бу сенинг ишинг эмас, деган қўпол жавоб олардим”.

Мустақиллик туфайлигина халқимизнинг пешона тери эвазига топган бойлиги ўзига насиб қилмоқда. Олтини, пахтаси ва бошқа бойликларидан келган даромадлар халқимиз турмуш фаровонлигини янада оширмоқда. Бугун юртимиз хонадонида рангли телевизори, музлатгичи ёки чанг ютгичи йўқ оилани топиш қийин. Эътиборлиси, турмуш фаровонлигини белгиловчи ана шу уй-рўзғор жиҳозлари ўзимизда, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмоқда. 2012 йилда юртимизда электр маиший техникаси ишлаб чиқариш аввалги йилларга нисбатан 4 бараварга ошганлиги ҳам турмушимиз фаровонлигидан далолатдир. Ҳукуматимизнинг **“Оилаларнинг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”**ги Қароридан сўнг аёлларнинг уй-рўзғор юмушларини енгиллаштиришга қаратилган истеъмол кредитларини ажратишга алоҳида эътибор қаратилди.

### Қанот жуфт бўлади

Бахт ҳам осмондан тушмайди. Ҳар бир инсоннинг ҳаётда бахтли, фаровон турмуш кечиришида ўзи яшаётган давлатнинг ўрни беқиёс.

— Икки йил олдин 3 нафар ака-ука гапни бир жойга қўйиб, ҳовлимизда иссиқхона ташкил қилдик. Маблағимиз етмагач, банкдан кредит олдик, — дейди **қибрайлик Ортиқали Тўхтаев**. — Лимон, помидор, бодринг кўчатларини ўтқаздик. Ҳосил кутилганидан ҳам ортиқ бўлди. Банкдаги қарзимиздан қутулиб, 100 миллион сўм фойда билан чиқдик. Янги йилда фаолиятимизни янада кенгайтирмоқчимиз.

**Осиё тараққиёт банкининг маълумотлари бўйича мамлакатимиз аҳолисининг даромадлари кейинги уч йилда 3 бараварга кўпайган**. Эътирофлар ўринли. Хорижлик мутахассислар қуруқ гапга ишонишмайди. Улар далиллар билан ишлайди. Қолаверса, улар бундай таҳлил ва ҳисоб-китобда “адашмайди”.

Ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан 80 миллиард сўмга яқин микрокредитларнинг ажратилгани халқимизга қўл келди. Юрагида ўти бор одамнинг даври келди. Айниқса, тадбиркорнинг. Бундай инсонлар янги иш ўринлари ташкил қилиб, қўшнисини, маҳалладошини иш билан таъминламоқда. Ўзининг ҳам, ўзганинг ҳам турмушини фаровон қилмоқда. Чунки бундай ишбилармон инсонларни ҳукуматимиз ҳам, Яратган ҳам қўллаб турибди.

— Собиқ иттифоқ даврида яхшироқ мебель ёки автомашина олиш учун йиллаб навбатга турардик, — дейди **75 ёшли тошкентлик Собир ота Содиқов**. — 90-йиллари кичик қизим Санобарни турмушга беришдан олдин мебель қидирдик. Икки оёқ бир этикка тиқилгач, мебель олиш учун “райком”нинг, “раисполком”нинг қабулига кирганим кечагидек ёдимда. Бугунги ҳаёт бошқача. Қаранг, дўконга кирмасингиздан сотувчилар “Ассалому алайкум” деб кутиб олишади. Катта неварам Робияни турмушга узатмоқчи эдик. Дода, сиз ҳам юринг, деб неварам олиб келди. Мебеллар бир-биридан чиройли. Дўкондагилар мебелни уйингизга текинга олиб бориб бераркан. Яна у ҳам етмагандек “қарзга берамиз”, дейди азаматлар (Кредит демоқчи).

— Уч йил олдин турмуш ўртоғим Лолахон билан ЎзМУни тугатдик. Икки йил олдин тўйимиз бўлди, — дейди **Рустам Асадов.** — Ўтган “Мустаҳкам оила йили”да 15 йил муддатга имтиёзли ипотека кредити ҳисобидан уй олгандик. Бугун эса “Artel” компаниясидан кредитга музлатгич билан телевизор олмоқчимиз.

**...Банклар томонидан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган, узоқ муддат фойдаланиладиган маҳсулотлар, хусусан, мебель, маиший техника ва бошқа уй-рўзғор буюмларини харид қилиш учун 71 миллиард сўмдан зиёд истеъмол кредитлари ажратилгани ёш оилаларнинг рўзғорини бутлашда, уларнинг оёққа туриб олишида катта мадад бўлди.** Фаровонлик дегани шу бўлса керак-да.

Яқинда газеталарни варақлаётиб, қуйидаги сатрларни ўқиб қолдим. Машҳур HSBC банкининг “Дунё 2050 йилда” деб номланган маърузасида айнан Европа давлатларида кейинги бир неча ўн йилликда иқтисодий ўсиш пасайиб бориши борасидаги башоратларига қулоқ тутсак, — деб ёзади ҳамкасбимиз, — вазият қанчалар мураккаблиги аёнлашади. Уч тоифага бўлиб ўрганилган давлатлар рўйхатида **Ўзбекистоннинг 26 та тез суръатларда ривожланаётган давлатлар тоифасига киритилиши** эса бизга фахр ва ифтихор бағишлайди. Мана шу фактлар яна бир бор **“ўзбек модели”** халқаро эътирофга сазовор бўлаётганининг тасдиғидир, десак янглишмаган бўламиз. Энг муҳими, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки экспертлари Ўзбекистонда **2013 йилда** ҳам энг юқори иқтисодий ўсиш кузатилиши ва йиллик ўсиш **8 фоиз**дан кам бўлмаслигини эътироф этмоқдалар.

2012 йил тарихга айланди. Янги 2013 йил Юртбошимиз томонидан “Обод турмуш йили” деб номланди. Эски йилдан мамнунмиз. Янги йилдан умидларимиз бисёр. Халқимизда йилнинг келишини йилнинг боши белгилайди, деган гап бор. Йилимиз яхши бошланди. Бепоён далаларимиз, виқорли тоғларимиз қор қўйнида. Ҳаётимиз эса янада фаровон, дастурхонларимиз янада тўкин бўлиб, қишлоғу шаҳарларимизда тўйу байрамлар авжига чиқади. Шукрки, биз шунга муносиб халқмиз. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, **“Инсон бу дунёда ҳаётдан баҳраманд бўлиб яшаши керак”**.

Инсон учун ёруғ оламда бундан ортиқ бахт бўлмаса керак.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**“Инсон ва қонун” мухбири**

---

## Қомусимиз — фахримиз

# Инсон манфаатлари устувор тамойил

**ИНСОН ҳаёти ва бахт-саодати, жамият барқарорлиги ва келажак равнақи юрт тинчлиги ҳамда осойишталигига боғлиқ. Тинчлик бор жойда ҳар бир инсон Конституцияда белгиланган барча ҳуқуқлардан бемалол фойдаланиш имкониятига эга бўлади.**

УЛУҒ аждодларимизнинг асрий армонлари, халқимизнинг эркин ҳаёт, фаровон жамият ва адолатли давлат барпо этишдек эзгу тилаклари, келажак авлодларга озод ва обод Ватан қолдиришдек, уларнинг бахтини, камолини кўришдек орзу-ҳаваслари Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ўз ифодасини топган. Асосий қонунимизда жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи — Инсон деган фикр илгари сурилади.

Бу ҳуқуқий ҳужжатда инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида тан олиниб, давлат ҳам, жамият ҳам, энг аввало, инсон манфаатларига хизмат қилиши, унинг хақ-ҳуқуқларини ҳимоя этиши устувор тамойил сифатида белгилаб қўйилди. Конституциямизнинг барча тамойиллари, аввало, инсон ва фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, давлатнинг мажбурияти ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни таъминлашда акс этади.

Шунингдек, Асосий қонунимиз Ўзбекистоннинг буюк келажагини барпо этиш йўлида мустаҳкам пойдевор сифатида хизмат қилади.

Конституциямизда давлатнинг қиёфаси, жамиятнинг хусусияти, ҳаётимизнинг сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий тизими, демократик тамойилларга асосланганн, умуминсоний қадриятларнинг улуғланаётганлиги, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг кафолатлари мужассам топган.




Президентимиз шундай таъкидлаганлар: “Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир фуқаро, ҳеч бир одам ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур эта олмайди”.

Дарҳақиқат, биз интилаётган демократик жамиятнинг истиқболи, биринчи навбатда, демократик қадриятлар ҳар биримизнинг қалбимиз ва онгимиздан қай даражада чуқур ўрин олишига, бу қадриятларнинг нечоғлик асраб-авайланиши ва келажак авлодларга етиб боришига бевосита боғлиқдир.

**Фариза РАМАЗАНОВА,**
**ТДЮИ магистранти**

---

## Имтиёз

# Фермерлар

## қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисидир

**МУСТАҚИЛЛИК даврида деҳқонларимизнинг азалий орзуларидан бири — ерга бўлган эгалик ҳуқуқи шаклланди. Юртбошимиз бошчилигида амалга оширилган ислоҳотлар натижасида янги ер мулкдорлари — фермерлар вужудга келди. Фермерлик фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватловчи кўпгина норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, фермерлар ўз меҳнатлари самарасини эркин тасарруф қилиши белгиланди. Натижада фермерлик ҳаракати қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг асосий ишлаб чиқарувчисига айланди.**

ЮРТБОШИМИЗНИНГ 2012 йил 22 октябрдаги **“Ўзбекистонда Фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони фермерлик соҳаси бўйича ислоҳотларни янада такомиллаштириш масаласини ҳуқуқий жиҳатдан белгилаб берди.

Амалда Фермер хўжаликлари уюшмаси ўрнига янги тузилган Фермерлар кенгаши ҳудудда фермерлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллиги ва молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш, кўп тармоқли фермер хўжаликларини ривожлантириш, шунингдек, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтириш, ўзини ўзи бошқаришнинг таъсирчан механизмларини яратиш йўли билан қишлоқ хўжалигини юқори даражага кўтариш ҳамда қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва даромадини ошириш йўлида саъй-ҳаракатлар олиб бормоқда. Айнан шу масалалар Фармонда кенгашнинг асосий вазифаси этиб белгиланган.

Бундан ташқари, Фермерлар кенгашлари фермер хўжаликларининг манфаатларида ҳамда давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, уларнинг раҳбарлари ҳаракати ва ҳаракатсизлиги юзасидан судга даъво ариза киритганда фермерлар давлат божи тўлашдан озод этилди. Бу эса фермерларга суд харажатларини тўлашда сезиларли даражада имтиёз беради.

Хулоса қилиб айтганда, фермерлик ва улар меҳнати қадрини топиб бормоқда. Уларнинг давлат томонидан қадрланиши ва қўллаб-қувватланиши фермерларда ишчанлик кайфиятини кўтариб, янги марралар сари ундаши табиий.

**Низом ЮСУПОВ,**
**Самарқанд вилояти хўжалик суди мутахассиси**

---

## Нотариат фаолияти

# Давлат божи

## қонунда белгиланган тартибда ундирилади

“НОТАРИАТ ТЎҒРИСИДА”ги Қонунда белгиланганидек, нотариус нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун қонун ҳужжатларида белгиланган ставкалар бўйича давлат божи ундиради. Ушбу давлат божини ундириш ҳукуматимиз томонидан 1994 йил 3 ноябрда қабул қилинган “Давлат божи ставкалари тўғрисида”ги қарорнинг 4-бандига асосан амалга оширилади.

Масалан, уй-жойлар, квартиралар, дала ҳовлилар, гаражлар ва бошқа иншоотлар ҳамда иморатларнинг олди-сотди, алмаштириш, ижарага олиш, умрбод таъминлаш шарти билан бошқаларга бериш, ҳадя қилиш шартномаларини тасдиқлашда давлат божи мазкур кўчмас мулкларнинг 1 кв. м. майдони учун энг кам ойлик иш ҳақининг муайян фоизи миқдорида ундирилади.

Автомототранспорт воситаларини ўзгага ўтказиш билан боғлиқ нотариал ҳаракатлар энг кўп амалга ошириладиган нотариал ҳаракатлар жумласига киради. Ушбу нотариал ҳаракатларни амалга ошириш учун давлат божлари ундириш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, давлат божининг миқдорини белгилашда транспорт воситасининг тури, у ишлаб чиқарилган мамлакат (Ўзбекистонда ёки чет элда ишлаб чиқарилганлиги), двигателининг от кучи, фойдаланиш муддатига эътибор қаратилади.

Юқорида қайд этилган қарорда ҳар икки ҳолатда ҳам яқин қариндошлар ўртасида мол-мулк ва автомототранспорт воситаларини бир-бирларига ўтказиш билан боғлиқ нотариал ҳаракатларни амалга оширганлик учун давлат божини ундиришда катта енгилликлар берилиши назарда тутилган. Унга кўра, эр-хотинлар, ота-оналар, болалар ва набиралар, туғишган ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида олди-сотди, алмаштириш ва ҳадя қилиш шартномалари расмийлаштирилаётганда бож белгиланган ставканинг 5 фоизи миқдорида ундирилади.

**Пўлат НАЗАРОВ,**
**Тўрақўрғон туманидаги 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси**

---

## Тизим тадбирлари

ЯҚИНДА Тошкент вилояти адлия бошқармасида “Нодавлат нотижорат ташкилотлар фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари” мавзуига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди, — дея хабар беради адлия бошқармасининг масъул ходими **Тожиддин Утепбергенов**. — Вилоят ННТ раҳбарлари ва тегишли идора вакиллари иштирок этган тадбирда ННТ фаолиятининг очиқ-ойдинлиги ва шаффофлиги, халқимиз манфаатлари билан муштараклиги ҳақида сўз юритилди.

* * *

Шунингдек, Фарғона вилояти адлия бошқармасида ўтказилган тадбир ҳам шу мавзуга бағишланди.

Фарғона вилояти адлия бошқармаси масъул ходими **Мирзаабдулла Парпиев**нинг хабарида қайд этилишича, Фарғона вилоятида жамоат бирлашмалари сафи кенгайиб, ҳозирги кунда 400 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолият юритиб келмоқда.

Истиқлолнинг илк даврида қабул қилинган, хусусан, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги, “Сиёсий партиялар тўғрисида”ги, “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги, “Касаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида”ги, “Жамоат фондлари тўғрисида”ги, “Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар соҳа ривожида муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлиги алоҳида таъкидланди.

---


**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Жиззах вилояти**
Дўстлик туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент вилояти**
Чиноз туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент шаҳри**
Учтепа туман 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига**
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Қорақалпоғистон Республикаси**
Нукус шаҳар 6-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Бухоро вилояти**
Бухоро туман давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Қашқадарё вилояти**
Қарши шаҳар 4-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Косон туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Сурхондарё вилояти**
Шеробод туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Фарғона вилояти**
Риштон туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
**Тошкент вилояти**
Бекобод шаҳар давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**

*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 21 февраль)**

**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

## Таълим ва тараққиёт

# Он-лайн: информацион технологиялар

### мамлакатимиз ривожига хизмат қилади



**МАЪЛУМКИ, XXI аср юксак техник тараққиёт асри. Жаҳон миқёсида глобализация ва интеграция жараёнлари шиддат билан тезлашмоқда. Бу эса, ўз навбатида, келажак эгалари бўлмиш ёш авлоднинг таълим-тарбиясида замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланишнинг энг илғор усулларини қўллашни тақозо этмоқда.**

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ташаббуси билан 1991 йил 9 августда узоқни кўзлаб қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва маънавий эҳтиёжига мос келадиган, замон талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган ва халқаро майдонда хорижий мутахассислар билан рақобат қила оладиган кадрлар салоҳиятини юзага чиқариш ва ривожлантириш вазифаси асосий мақсад қилиб қўйилди. Мазкур дастурнинг мантиқий давоми сифатида қабул қилинган давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги **"Олий таълим муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори асосида синфхоналар ахборот коммуникация технологиялари билан жиҳозланди, электрон ўқув-услубий мажмуалар яратилиб, моддий-техник базадан ва ахборот русурс марказлари фондидан кенг фойдаланиш имконияти яратилди.

Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида ўқув жараёнига кенг форматли коммуникация тармоқлари ва интернет технологияларини жорий қилиш мақсадида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси)га Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда "Электрон таълим" миллий тармоғини барпо этишни ниҳоясига етказиш ҳамда 2011 йилда мамлакатимизнинг барча олий ўқув юртларини, кейинчалик эса академик лицей ва касб-ҳунар коллежларини ягона компьютер ахборот тармоғига улашни таъминлаш вазифаси юклатилди.

Шу асосда 2011 йилда ТДЮИда "Электрон таълим" миллий тармоғи ишга туширилди. Айтиш жоизки, институтни компьютер техникаси билан таъминлаш даражаси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Жумладан, 258 тадан ортиқ электрон дарсликлар мавжуд. Талабалар кутубхонада ташкил қилинган институт профессор-ўқитувчилари томонидан нашр этилган дарсликлар, ўқув адабиётлари ва ўқув-услубий қўлланмаларининг электрон вариантлари базасидан унумли фойдаланишлари мумкин.

ТДЮИ таълим тизимида йўлга қўйилган он-лайн конференция орқали турли семинар, йиғилиш, тақдимот ва ўқув-машғулотлари олиб борилади.

Институт қошидаги Япон ҳуқуқини тадқиқ қилиш маркази ҳам ҳозирги кунда ўқув жараёнларини ташкил этишда он-лайн тизимидан мунтазам ва самарали фойдаланиб келмоқда. Бундай шаклдаги ўқув-машғулотлари талабаларнинг келажакдаги интилишларига, шунингдек, тил борасидаги кўникмалари амалий жиҳатдан ривожланишига жуда катта ижобий таъсирини кўрсатади.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўтказиладиган муҳим воқеаларга бағишланган турли хил тадбирларда, хусусан, Конституция кунига бағишланган давра суҳбатларида ва халқаро алоқаларда ҳам он-лайн конференция тизимидан фойдаланиб келинмоқда. Масалан, 2012 йил августда бўлиб ўтган Марказ битирувчиларига дипломлар топшириш маросимига японияли профессор-ўқитувчилар ҳамда талабалар мамлакатимизга кела олмаганлиги сабабли, ушбу маросим айнан мана шу он-лайн конференция тизими орқали амалга оширилди.

Бундан ташқари, Япония ҳуқуқи бўйича олиб бориладиган ўқув-машғулотларида ҳам он-лайн конференция тизимидан фойдаланилади. Ушбу машғулотлар йил давомида ҳуқуқнинг турли соҳаларидаги фанлари бўйича семинар ва маърузалар шаклида ташкил этилади. Масалан, 2012 йилнинг март-апрель ойларида ўтказилган маърузалар японияли профессорлар томонидан Япониядан туриб Ўзбекистондаги талабаларга он-лайн конференция шаклида амалга оширилди. Бу эса талабаларнинг ўз устида ишлашларига ва хорижий тилларни мукаммал эгаллашларига янада эътибор қаратишларига туртки бўлмоқда. Бундай машғулотларни ташкил этиш орқали талабаларда мустақил фикрлаш, ўз фикрларини эркин ифода этиш жиҳатларини янада ривожлантиришга эришилмоқда. Бунда барча ёзма ишлар маърузачи ўқитувчининг назорати остида амалга оширилади ва маъруза тугагач, талабалар ўз фикрларини электрон почта орқали ҳам юбора оладилар.

Он-лайн конференция тизимидан нафақат талабалар, балки ўқитувчилар ҳам фойдаланиб келмоқда. Ўқитувчилар иш жойларидан узоқлашмаган ҳолда ўз тадқиқотлари бўйича бошқа давлатдаги ҳамкасблари билан он-лайн семинар ҳамда мулоқотлар олиб бормоқда. Бу борада уларга халқаро тажрибалар қўл келмоқда.

2011 йил 5 декабрда бўлиб ўтган халқаро он-лайн давра суҳбати Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисида баён этган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**га бағишланди. Бу орқали биз давлатимиз томонидан олиб борилаётган инсонпарварлик сиёсатини дунёга таништиришга ўз ҳиссамизни қўшганимиздан мамнунмиз.

Эътироф этиш жоизки, он-лайн конференция ҳар қандай даражадаги, шунингдек, халқаро миқёсдаги тадбирларни амалга ошириш имконини берувчи воситадир. Талабалар учун бу тизим нафақат ўз билимларини амалиётда қўллаш, балки институт биносидан чиқмаган ҳолда ўз билим ва савияларини халқаро талаб даражасида янада кенгайтириш имконини беради. Ўқитувчилар учун эса ахборот ва фикрлар алмашишнинг энг қулай йўлига айланиб қолди.

Ҳозирги кунда ТДЮИ томонидан дунёнинг турли мамлакатлари билан 20 дан зиёд халқаро миқёсда он-лайн тарзида ўтказилаётган конференциялар ижобий натижалар бермоқда.

Мамлакатимиздаги барча ўқув юртларининг таълим тизимида бу каби замонавий техник воситалардан кенг фойдаланиш юксак иқтидорли, замонавий билим ва дунёқарашга эга, ватанимизнинг янада юксалишига ҳисса қўша оладиган кадрлар етишиб чиқишида бетакрор аҳамият касб этади.

**Гулнора ТУРСУНОВА,**
**ТДЮИ Халқаро бўлим бошлиғи**

**МУСТАҚИЛЛИКНИНГ илк кунларидан мамлакатимизда халқимиз саломатлиги давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Аҳолининг соғлом ва узоқ умр кўриши учун Юртбошимизнинг кўплаб фармонлари, ҳукуматимиз қарорлари қабул қилинди. Президентимизнинг "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан кўплаб ишлар амалга оширилди. Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида аҳолининг репродуктив саломатлигини сақлаш борасида давлатимиз томонидан аёллар, болалар, ёлғиз кекса ва ногиронларга кўрсатилаётган тиббий ёрдам борасида қилинаётган ишларга алоҳида тўхталиб ўтди.**

**"Бизнинг олий мақсадимиз бўлган соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш учун жорий йилда 8 миллион 300 минг нафар фарзанд кўриш ёшидаги аёл ҳамда 8 миллион бола тиббий кўрикдан ўтказилди. Шулар қаторида 5 мингга яқин ёлғиз кекса ва ногиронлар малакали текширувдан ўтказилиб, уларга тегишли тиббий ёрдамлар кўрсатилганини айтиш жоиз.**

**Тиббиёт соҳасининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди".**

**Мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш борасида қатор ижобий, амалий ишлар қилинмоқда. Тиббиётимиз равнақи йўлида жаҳоний аҳамиятга молик ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу қувончли ҳол. Бироқ, бизга, бизнинг ҳаёт тарзимизга хавф солиши мумкин бўлган, бугунги жараёнларда сарҳад билмас оғир касалликлар ҳам борки, бу борада аҳоли ўртасида кенг миқёсли тарғибот олиб боришни даврнинг ўзи тақозо қилмоқда. Қуйида ушбу, умуминсоний, айтиш жоиз бўлса, аср муаммоси ҳақида сўз юритилади.**

## Соғлом турмуш тарзи

# ОИТС дунёни ларзага солмоқда

### Бу касалликка чалинмаслик ҳар бир инсоннинг қўлида. Аммо...

БУГУН биз дунёдан айри яшай олмаймиз. Оддий қилиб айтганда, ер шари барчамизнинг умумий уйимиз. Шундай экан, инсониятнинг қувончи, ҳатто дарди ҳам бир. Дардсиз, фаровон яшашга нима етсин?! Бироқ дунёни ларзага солаётган бедаво хасталиклардан бири бу — ОИТСдир. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда жаҳон бўйича 34 миллион киши ОИВ-инфекциясига чалинган бўлса, ҳар йили уларнинг сафига яна 2 миллион 700 минг нафар киши қўшилади ва 2 миллионга яқин одам бу касаллик оқибатида ҳаётдан кўз юмади.

Дунёнинг кўпгина давлатларида ОИВ/ОИТС инфекциясини бошқа шахсларга юқтирганлик учун жавобгарлик белгиланган. Айрим давлатларда бунинг учун оғир жазо тайинланади. Мамлакатимиз Жиноят кодексининг 113-моддасига кўра, била туриб бошқа шахсни ОИВ касаллигини юқтириш хавфи остида қолдирган ёки юқтирган шахс беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Айтиш жоизки, Президентимиз томонидан 2008 йил 26 декабрда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши кураш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"**ги Қарори ижроси бўйича муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Республикамизда ОИТСга қарши кураш тизими 1987 йилдан бери фаолият кўрсатмоқда. Республика ОИТСга қарши кураш марказининг фаолияти бир қатор йўналишларни қамраб олган. Ўзбекистон ОИВ-инфекцияси профилактикаси соҳасидаги барча халқаро мажбуриятларни ўз зиммасига олган. Ҳукуматимиз томонидан ОИВ-инфекцияси аҳоли, айниқса, ёшлар ва касалликни юқтириб олиш хавфи юқори бўлган гуруҳлар орасида тарқалиб кетишининг олдини олиш, ОИВ билан касалланган шахсларни даволаш ва эпидемиянинг ижтимоий оқибатларини енгиллаштириш борасида аниқ мақсадли дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги Қарори республикамизда ОИВ-инфекцияси тарқалиб кетишига қарши курашга қаратилган кенг қамровли, муҳим ҳужжатлардан биридир. Мазкур Қарорда ОИВга қарши курашнинг ягона тизимини ташкил қилиш, ОИВ-инфекциясининг олдини олиш ва бу касалликдан ҳимоя қилиш юзасидан ўтказилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ва сифатини ошириш, ОИВга қарши кураш марказларининг моддий-техник базасини яхшилаш, бу соҳада фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантиришни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

ОИВ касаллигининг тарқалиб кетишига қарши кураш соҳасида давлат, жамоатчилик, халқаро ва хорижий ташкилотларнинг янада яқинроқ ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ОИВ-инфекциясининг тарқалиб кетишига қарши тадбирларни мувофиқлаштирувчи Республика комиссияси таркиби ва низоми тасдиқланиб, ушбу комиссиянинг асосий вазифалари, ваколати ва масъулияти белгилангани ҳам ҳаётий аҳамият касб этаётир.

Президентимиз Қарори ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йил 5 январда Вазирлар Маҳкамаси томонидан **"ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори амалга киритилди.

Мазкур қарор билан республика ва ҳудудий ОИТСга қарши кураш марказларининг янги тузилмаси, "2009-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида ОИВ-инфекцияси тарқалиши профилактикаси бўйича саъй-ҳаракатлар Миллий режаси" тасдиқланди ва амалиётга изчил йўналтирилди.

Ҳозирда Республика ОИТСга қарши курашиш маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ОИТСга қарши курашиш марказлари, шунингдек, 59 та туманлараро ОИТС диагностика лабораториялари ва республика миқёсидаги тиббиёт муассасаларида 10 та ОИТС диагностика лабораториялари фаолият юритмоқда.

Айни пайтда Миллий режага мувофиқ ОИВ инфекциясини юқтириб олган шахсларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида Республика ОИТСга қарши курашиш маркази қошида 60 ўринга мўлжалланган клиника ташкил этилган.

Кейинги икки йилда 10 миллиард сўмдан ортиқ маблағ сарфланиб, Навоий, Фарғона, Сирдарё, Бухоро вилоятлари ва Тошкент шаҳрида марказлар учун янги бино қуриб битказилди, қолган барча вилоятлар марказларида капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Давлат бюджети ҳисобидан 2010-2011 йилларда республика ва 14 та ҳудудий ОИТСга қарши курашиш марказлари ва 59 та туманлараро ОИТС диагностика лабораториялари 7.5 миллиард сўм қийматга эга замонавий халқаро андазаларга мос лаборатория асбоб-анжомлари билан жиҳозланди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда ОИВ-инфекциясига лаборатория усулида ташхис қўйиш, аҳолини ОИВ/ОИТС касаллигидан муҳофаза қилиш, унга қарши курашиш ва даволаш тадбирларини олиб боришда ривожланган давлатлар тажрибаси ўрганилмоқда. Шу билан бирга, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва менталитетимиздан келиб чиққан ҳолда кенг кўламли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Орттирилган иммунитет танқислиги вируси инсон организмига тушгандан сўнг баъзан ўн йиллар давомида ҳам клиник белгилари намоён бўлмаслиги мумкин. Шунинг учун бу касалликни юқтирганлар аксарият ҳолларда касалликка чалинганларини ўзлари сезмайди. Вирус организмнинг иммун тизимини издан чиқаргандан кейин, муайян бир касалликлар, масалан, пневмония, сил, ҳар хил кандидозлар ва бошқа инфекциялар хуружини организм енголмай қолганида ҳамда бемор шифохонага ўша касаллиги бўйича мурожаат қилганида, бу хасталикка чалингани аён бўлади. Хорижий адабиётларда ОИВ-инфекциясига чалинган одамнинг умрини соғлом одамнинг умричалик чўзиш мумкин, деган фикрлар айтилмоқда. Бунинг учун у доимий равишда шифокор назоратида бўлиши ва махсус антиретровирус дориларини қабул қилиб туриши зарур.

ОИВ-инфекциясига чалинган кишилар аксарият ҳолларда жамоадан, қўни-қўшнилари, оиласи, яқинларидан ажралиб қолади, умидсизлик ва тушкунлик гирдобига тушади. Ваҳоланки, эҳтиётсизлик оқибатида юзага келган бу касаллик инсонни бошқа ҳуқуқлардан муҳрум қилмайди. Энг муҳими, касалликка қарши курашиш имконияти мавжудлигини ёддан чиқармаслик лозим. Беморлар, асосан, жамоатчилик томонидан камситилишдан, касаллигини яқинлари билиб қолишидан хавотирланиб яшайди. Шунинг учун биз иложи борича уларнинг кўнглини кўтаришга, психологлар кўмагида тушкун кайфиятдан қутқаришга ҳаракат қиламиз.

Дунё бўйича 2 фоиз инсонларда ОИВ зарарлаши мумкин бўлган иммун ҳужайраларининг шакли ўзгарган бўлади ва бу наслий белги ҳисобланади. Шундай бахтли инсонлар ОИВ билан касалланмаслигини соҳа мутахассислари исботлашган. Шакли ўзгарган ҳужайрага вирус бирика олмайди ва шунинг ҳисобига бу тоифадаги одамга вирус юқмайди. Шунингдек, 25 фоиз инсонларда ушбу белгига ўхшаш қисман ўзгаришга учраган ҳужайралар мавжуд.

Роберт Галло ва Люк Монтанье касалликнинг қўзғатувчисини лаборатория шароитида ажратиб олишга муваффақ бўлгани учун 2008 йилда физиология ва тиббиёт соҳасида Нобель мукофотига сазовор бўлишган.

Ҳозирги кунда вируснинг хусусиятлари ва одамга юққанидан кейин даволаш усуллари устида жуда кўп изланишлар олиб борилмоқда. Аммо, вирус одам организмида жуда тез кўпаяди ва ҳар кўпайганида генлари ўзгарган ҳолда янги мутант шаклларини ҳосил қилади. Шунинг учун ҳам вирусга қарши эмлаш воситасини ва уни тўлиқ даволаб юбориш учун дори воситасини ишлаб чиқиш бирмунча қийин кечмоқда. Шу билан бирга тирик вирус одамнинг ҳужайралари ичида кўпаяди, вирусни ўлдириш учун уни сақлаган ҳужайрани парчалаш зарур. Ҳозирги замонда ҳужайра ичига кириб борувчи ва у ерда вирусни "таниб олувчи дори"лар сони саноқли ва улар клиник синовдан ўтиш давридадир.

Тан олиб айтиш керакки, бугун дунё бўйича юқорида келтирганимиздек, салкам 34 миллион бемор ОИТС азобини тортмоқда. Бедаво дард туфайли миллионлаб беморларнинг ёстиғи қуриди. Лекин дунё тиббиёти ушбу касалликни даволаш чорасини излашда давом этмоқда. Вақти келиб бу касаллик тиббиётга бўйсунади, деган умиддамиз. Энг асосийси, бунга ишонч бор. Ахир, инсон умид билан яшайди-ку.

**Нурмат АТАБЕКОВ,**
**Республика ОИТСга қарши кураш маркази директори, тиббиёт фанлари доктори, профессор**

Сирдарё вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 9 январдаги 06-ум-сонли буйруғига асосан Гулистон шаҳридаги "Эгида-Ҳуқуқ" адвокатлик фирмасининг адвокати Эгам Шухрат Пўлат ўғлига вилоят адлия бошқармаси томонидан 2009 йил 25 майда берилган SI 000038-рақамли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг амал қилиши ҳамда адвокатлик мақоми тугатилди.

Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 14 январдаги 05-ум-сонли буйруғига асосан Данғара туманидаги "Данғара адолат устуворлиги" адвокатлик бюроси адвокати бўлган Муҳаммадаминова Саломатой Ибрагимовна юқоридаги адвокатлик бюроси тугатилиб, Қўқон шаҳридаги "Ҳақиқат тарафдори" адвокатлар ҳайъатига кирганлиги муносабати билан *(лицензия 03.06.2009 йил FE №000042, адвокатлик гувоҳномаси №258, 14.01.2013 й.)* адвокатлик мақоми 2013 йил 14 январдан тикланганлиги маълум қилинади.

Фарғона вилояти адлия бошқармасининг 2013 йил 8 январдаги 03-ум-сонли буйруғига асосан Қўқон шаҳридаги "Ҳақиқат тарафдори" адвокатлар ҳайъати адвокати Исақов Исломжон Собировичнинг *(лицензия 05.06.2009 йил FE №000120, адвокатлик гувоҳномаси №136, 02.07.2009 й.)* адвокатлик мақоми 2012 йил 12 октябрдан тикланганлиги маълум қилинади.

## Реклама ўрнида

# Тадбиркорлик тараққиёти — бош мезон

**ИҚТИСОДИЁТДА юксак натижаларга эришишда юртимиздаги банк-молия муассасалари катта аҳамият касб этмоқда. Хусусан, етакчи банклардан бири ҳисобланган "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки бунда ўзига хос мавқега эга. Аввало, иқтисодиёт тармоқларига ажратилаётган кредитлар салмоғи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий этиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар самараси, мижозлари сафи кундан-кунга ортиб бораётгани ана шундан далолат беради.**

"АСАКА" банкнинг ижобий ютуқларини кўпайтиришга ҳисса қўшаётган, жойларда мижозларга турли молиявий хизматлар кўрсатиб, ишончли ва самарали молия муассасаси сифатида обрў қозонган филиаллари қаторида унинг Қорақалпоғистон филиали ҳам бор.

Бугунги кунда "Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиали жамоаси 50 мингдан зиёд юридик ва жисмоний шахсларга намунали банк хизматлари кўрсатиб келмоқда. Банкнинг молиявий имкониятларини яққол кўрсатиб берадиган жами активлар миқдори 2013 йил 1 январь ҳолатига 82,3 миллиард сўмни ташкил этди ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 19,9 миллиард сўмга ўсди.

Маълумки, банкнинг кредит ва инвестицион фаолияти унинг салоҳиятини, хизмат кўрсатиш даражасини белгилайди. Зеро, катта-ю кичик корхоналар, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқаришни барқарорлаштиришда ва кенгайтиришда банкларнинг молиявий мададига таянади. Шу нуқтаи назардан, банк филиали жамоаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқариш корхонлари фаолиятини такомиллаштириш орқали маҳаллий маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми ва сифатини оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

2012 йилда банк жамоаси томонидан кичик бизнес субъектларига 23,8 миллиард сўм миқдорида кредитлар берилди. Бунинг натижасида 528 та янги иш ўрни ташкил этилди.

Банк филиали томонидан Нукус шаҳридаги "Строй Вектор" масъулияти чекланган жамиятига темир-бетон маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Корхона учун тежамкор, яъни кам энергия қуввати сарфлайдиган замонавий технологиялар ва махсус техникалар ўрнатилди. Натижада мазкур корхонада бир йилда 3,0 миллиард сўмдан зиёд қурилиш материалларини ишлаб чиқариш қуввати яратилди. Шу билан биргаликда корхонада қўшимча янги иш ўринлари яратилиб, 25 нафар ишчи муқим иш ўринларига эга бўлди. Бу ҳам банк кредитининг самарасидир.

Амударё туманидаги "Boyovul Poyabzali" масъулияти чекланган жамиятига ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида имтиёзли шартларда узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Натижада мазкур корхонада бир йилда 124,0 миллион сўм миқдоридаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, корхонада қўшимча янги иш ўринлари яратилди.

"Асака" банкнинг сармоялари хизмат кўрсатишни яхшилашда муҳим омил бўлмоқда. Масалан, Нукус шаҳрида фаолиятини бошлаган "MUSTANG HILL" масъулияти чекланган жамиятига банк филиали томонидан аҳолига маиший хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш мақсадида узоқ муддатли кредит маблағлари ажратилди. Эндиликда бу корхона шу атрофда истиқомат қилувчи аҳолига сифатли ва тезкор маиший хизмат турларини кўрсатмоқда. Бу ерда 10 та янги иш ўрни ҳам яратилди.

Шу билан бир қаторда банк жамоаси тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган касб-ҳунар коллежлари битирувчилари ҳамда оилавий тадбиркорликка қўл уришни ният қилган оилаларни кредит бериш орқали тадбиркорликка жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётгани ҳам ибратлидир. Натижада 2012 йил давомида 49 та оила банк кредитига эга бўлгач, чорвачилик билан машғул бўла бошлади. Молиявий муассасадан кредит олган 13 нафар коллеж битирувчиси ва 13 та оила банк кредит маблағлари ҳисобига тадбиркорлик фаолиятини бошлаб юборди. Бу рақамлар қанча оиланинг моддий аҳволи яхшиланганлигини, орзу-умидлари рўёбга чиқаётганлигини кўрсатади.

— 2009 йилдан буён ушбу банкнинг мижозиман, — дейди хусусий тадбиркор Клара Худайбергенова. — "Асака" банкнинг молиявий ёрдамида мен ўз тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Ишим самарали бўляпти, оиламга барака кирди. Булар ҳаммаси "Асака" банкнинг ҳамкорлиги шарофати билан амалга ошаяпти.

Қисқача қилиб айтганда, "Асака" банкнинг Қорақалпоғистон филиали томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар аҳоли турмуш даражасини оширишга хизмат қилмоқда. Энг муҳими, банк кўмагида аҳолида тадбиркорлик қобилияти шаклланиб, кичик бизнес вакиллари иқтисодиётимизни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Тадбиркорликни ривожлантириш, бунёдкорлик ва тараққиёт учун хизмат қилиш эса банк жамоасининг доимий эътиборида турибди.

**Банк Ахборот хизмати**

Абдукамол РАҲМОНОВ

# Ватан посбонлари

*Юртни севиб, бурчни шарафлашга қодир,*
*Темур каби халқнинг кучли полвонлари.*
*Эл корига бел боғлаган сиз баҳодир —*
*Ватанимнинг энг навқирон посбонлари.*

*Лочин каби осмонларда баланд учган,*
*"Ватанимга қасам" дея онт ҳам ичган.*
*Она замин тупроғини севиб қучган —*
*Ватанимнинг марду майдон посбонлари.*

*Қаҳратон қиш аёзи ҳам енголмаган,*
*Жазирама кун — ёзи ҳам енголмаган.*
*Хавф-хатарнинг кўп-ози ҳам енголмаган —*
*Ватанимнинг алп, паҳлавон посбонлари.*

*Тинчлик эрур бахт-саодат, олий неъмат,*
*Ватанимда унутилмас ҳеч бир хизмат.*
*Сизлар босган шавкатли йўл — бу жасорат*
*Ватанимнинг ёвқур, полвон посбонлари.*

*Тенглар ичра тенг бўлмоқлик бош ғоямиз,*
*Ҳали улкан довонларни забт этамиз.*



*Энг ишончли, энг қудратли ҳимоямиз —*
*Ватанимнинг кўкси қалқон посбонлари.*

*Яратганга тиз чўкаман, ҳар кун, ҳар он,*
*Омон бўлсин юртни севган ҳар бир инсон.*
*Сизга соғлик, сизга омад, бахт тилайман —*
*Ватанимнинг насли султон посбонлари.*

## Замон қаҳрамони образи

# "Қуёшни Сен уйғотасан"

ТЕАТР — маънавият ва маданият маскани саналади. Шу жиҳатдан оддий ишчими, тадбиркор ёки зиёлими, ҳуқуқшунос ё шифокор бўладими, барча-барча касб эгалари ҳаётий саҳна асарларига маънавий эҳтиёж сезади. Чунки маънавий баркамол жамиятгина ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксак чўққиларга кўтарилади.



Ўзбек Миллий академик драма театрида намойиш этилаётган ёзувчи ва драматург Қўчқор Норқобилнинг "Қуёшни Сен уйғотасан" драмасида давр руҳи, бугунги кун қаҳрамонлари акс этган. Айтиш жоизки, ушбу саҳна асари томошабинларга ва театр ихлосмандларига ўзига хос туҳфа бўлди.

Саҳна асари томошасига бевосита адлия органлари ва муассасалари ходимларининг ташриф буюргани ҳам бежиз эмас, албатта. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонун ижодкорлиги соҳасида адлия органлари зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Адлия органлари ва муассасалари ходимлари ҳам ўз фаолиятларида қонун ижодкорлиги, ҳуқуқий тарғибот, тадбиркорлик, нотариат, шартнома муносабатлари ва бошқа ўнлаб соҳаларда фуқаролар билан ҳар куни бевосита учрашадилар.

Мазкур саҳна асарида ҳуқуқшуносларнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилувчи, уларнинг кундалик иш фаолиятлари билан боғлиқ жараёнларни ўзида акс эттирган ҳаётий воқеалар ёритилган.

Юртбошимизнинг театрларимиз саҳнасига замон қаҳрамонлари образини олиб чиқиш борасидаги кўрсатмалари ва талабларига асосан Ўзбек Миллий академик драма театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган ушбу спектаклда халқимизнинг энг улуғ фазилатлари улуғланади. Оила шаъни, оила мустаҳкамлиги, инсон қадр-қиммати, ор-номуси, кишилар орасидаги меҳр-оқибат тушунчаларига алоҳида эътибор қаратилади. Энг муҳими, орзу-мақсадлари йўлида қатъият билан олға интилаётган аёлнинг ўз тақдирини жамият равнақи, Ватанимиз мустаҳкамлигини мустаҳкамлашдек эзгу ғоя билан чамбарчас боғлаши бугунги замон қаҳрамони образи тўла-тўкис очиб берилганини яққол намоён этади.

Жумладан, спектаклда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, обод турмуш, фаровон ҳаёт мезони, аёлни улуғлаш, аёлни қадрлаш, унинг иззат-ҳурматини жойига қўйиш эса жамиятда соғлом муҳит яратишнинг омили эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу драмада ўз юртини дилидан севган, унинг фаровонлиги учун ўз ҳиссасини қўшишни инсоний бурч деб билган замон қаҳрамонининг барча тўсиқ ва ғовларни матонат билан енгиб ўтиши ҳаётий манзараларда тўлақонли акс этади.

Бу эса томошабинлар, айниқса, ҳуқуқшунослар қалбида қатъият, ишонч, ўз фаолиятини Ватан осойишталиги ва юрт фаровонлиги билан боғлаш туйғулари чуқур илдиз отишига хизмат қилади.

**Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

## Хўжалик суди амалиётидан

# Тушумларни яшириш

### унинг суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади

**Товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумларни яшириш (камайтириб кўрсатиш) яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.**

### Ишнинг мазмуни

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси вилоят бўлимининг 2012 йил 29 январдаги 007-сонли рухсат хати ва туман давлат солиқ инспекциясининг 2012 йил 14 февралдаги 107-хс-сонли буйруғига асосан масъулияти чекланган жамият томонидан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, Президентимизнинг фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя қилиниши юзасидан режадан ташқари текшириш ўтказилган ва унинг натижалари бўйича тегишли далолатнома тузилган.

Ўтказилган режадан ташқари текширишда масъулияти чекланган жамият томонидан маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) сотишдан тушган соф тушум 2009 йил якуни бўйича 1124900 сўмга, 2010 йил якуни бўйича 1562100 сўмга камайтириб кўрсатилганлиги, 2011 йил якуни бўйича жамиятда ўтказилган хатлов натижасида 313450 сўм камомад мавжудлиги, жамият томонидан ижара фаолиятидан 2009-2011 йиллар якуни бўйича 7200000 сўм яширилганлиги аниқланган.

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан текширишга асос бўлган ҳужжатлар ва солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш бўйича қабул қилинган барча ҳужжатлар масъулияти чекланган жамиятга топширилган ва у томондан қабул қилиб олинган.

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича масъулияти чекланган жамиятга нисбатан молиявий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Жавобгар томонидан ушбу молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганлиги боис, аризачи — туман давлат солиқ инспекцияси жавобгар — масъулияти чекланган жамиятга нисбатан Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан 10200400 сўм миқдорида молиявий санкция қўллашни сўраб, хўжалик судига ариза билан мурожаат қилган.

### Аризачининг важлари

Масъулияти чекланган жамият томонидан маҳсулотлар (ишлар ва хизматлар) сотиш фаолиятидан тушган соф тушум суммаси бухгалтерия ҳисоботларида 2009 йил якуни бўйича 1124900 сўмга, 2010 йил якуни бўйича 1562100 сўмга камайтириб кўрсатилган, 2011 йил якуни бўйича жамиятда ўтказилган хатлов натижасида 313450 сўм камомадга йўл қўйилган, ижара фаолиятидан 2009-2011 йиллар якуни бўйича тушган 7200000 сўм яширилган ва натижада давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар нотўғри ҳамда кам ҳисобланган. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун масъулияти чекланган жамиятга Солиқ кодексининг 114-моддасига асосан 10200400 сўм молиявий санкция қўллаш лозим.

### Жавобгарнинг фикри

Туман давлат солиқ инспекциясининг важлари ва талаби асосли бўлиб, уларга ҳеч қандай эътирозлар йўқ. Ҳозирги пайтда ҳисобланган молиявий жарима суммасини тўлиқ тўлаб беришга имконият йўқлиги сабабли, ушбу жарима суммаси бўлиб-бўлиб тўлаб берилиши маълум қилинган.

### Суднинг ҳал қилув қарори

Биринчи инстанция суди текширишда аниқланган ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тарафлар вакилларининг кўрсатмалари, текшириш далолатномаси ва текшириш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топганлигини инобатга олиб, туман давлат солиқ инспекциясининг аризасидаги талабни қаноатлантирган ва масъулияти чекланган жамиятга Солиқ кодексининг 114-моддасига мувофиқ 10200400 сўм миқдорида молиявий санкция қўллаган.

### Суднинг ҳал қилув қарорига шарҳ

Хўжалик суди томонидан кўрилган мазкур ишда низонинг моҳиятини аниқлашда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш муҳимдир:

масъулияти чекланган жамият солиқ тўловчи сифатида қонун ҳужжатларига мувофиқ бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиш, ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариш каби мажбуриятларини бажармасдан келган.

Ваҳоланки, Солиқ кодексининг 39-моддаси 2-қисмида солиқ тўловчиларнинг даромадлари ҳамда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун улар бўйича тегишли чегирмалар тўлов тўланган вақт ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, улар таллуқли бўлган ҳисобот даврида акс эттирилиши белгиланган.

Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган Молия вазирининг 2003 йил 23 декабрдаги 131-сонли буйруғи билан тасдиқланган "Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айлануви тўғрисида"ги Низомнинг 2-бандига мувофиқ корхона томонидан амалга оширилаётган барча хўжалик операциялари уларни тасдиқловчи ҳужжатлар билан расмийлаштирилиши лозим эди. Ушбу ҳужжатлар улар асосида бухгалтерия ҳисоби юритиладиган бирламчи ҳисоб ҳужжатлари бўлиб хизмат қилади.

Айнан мана шу Низом талабларига мувофиқ тузилган бирламчи ҳужжатлар амалга оширилган хўжалик операциялари ҳақидаги маълумотларни бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш учун асос бўлади.

"Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида"ги Қонуннинг 10-моддаси 1-қисмига мувофиқ бухгалтерия ҳисоби регистрлари икки ёқлама ёзув қоидаларига мувофиқ юритиладиган журналлар, қайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланкалар (шакллар) ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамият томонидан бухгалтерия ҳисоби регистрларида 2009-2010 йилларда маҳсулотларни (ишларни, хизматларни) сотишдан тушган соф тушум 2687000 сўмга камайтириб кўрсатилган, шунингдек 2011 йилда 313450 сўм камомадга йўл қўйилган, 2009-2011 йилларда ижарадан тушган 7200000 сўм яширилган. Ушбу ҳуқуқбузарлик ишдаги далиллар (тарафлар вакилларининг кўрсатмалари, текшириш далолатномаси ва текшириш ҳужжатлари) билан ўз тасдиғини топган. Бундай ҳаракатлар товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш, деб баҳоланади ва Солиқ кодексида белгиланган жавобгарликни келтириб чиқаради.

Хусусан, Солиқ кодексининг 114-моддаси 3-қисмига мувофиқ товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги ҳоллари ҳужжат билан тасдиқланганда товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммаси ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги, ҳисобда реализация қилинмаган, деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжуд эмаслиги товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушумни яшириш (камайтириб кўрсатиш), деб эътироф этилади ва ушбу модданинг биринчи қисмига асосан яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу ҳолатлар тўғрисида Олий хўжалик судининг 2010 йил 18 июндаги "Хўжалик судлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси умумий қисмини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"ги 210-сонли қарорининг 38 ва 38.2-бандларида ҳам таъкидланган.

Шундай экан, хўжалик юритувчи субъектлар томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) реализация қилинганлиги тегишли бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланган тақдирда, товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммаси ҳисобга олиш регистрларида ўз вақтида акс эттирилишини, шунингдек, ҳисобда реализация қилинмаган, деб кўрсатилган товарларнинг омборда ёки реализация қилиш жойида мавжудлигини ҳамда бут сақланишини таъминлашлари керак. Чунки, бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари, бухгалтерия ҳисоби регистрлари ҳисоб ҳужжатлари сифатида солиқ солиш объектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ объектларни аниқлаш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Хўжалик судида кўриб чиқилган ушбу иш ва юқорида келтирилган қонун ҳужжатларининг нормалари шундай хулоса чиқариш имконини берадики, бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланган ва товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан тушган тушум суммаси ҳисобга олиш регистрларида акс эттирилмаганлиги ҳамда ҳисобда реализация қилинмаган, деб кўрсатилган товарларнинг омборда (реализация қилиш жойида) йўқлиги яширилган (камайтириб кўрсатилган) тушум суммасига тенг миқдорда молиявий жарима жазоси қўлланилишига олиб келади.

Қайд этилганларга кўра, хўжалик суди назорат қилувчи органнинг аризасидаги талабни қаноатлантирган ва масъулияти чекланган жамиятга бухгалтерия ҳужжатларида камайтириб кўрсатилган ҳамда яширилган тушум суммасига тенг миқдорда молиявий санкция қўллаган.

## Мозий ёғдуси



# ПЬЕР КОРНЕЛНИНГ ҲУҚУҚИЙ ҚАРАШЛАРИ

*"Шуҳратим учун фақатгина ўзимга қарздорман"**
*Пьер КОРНЕЛЬ*



**Акмал САИДОВ, профессор**

**(Давоми. Боши ўтган сонда)**

Корнель ҳуқуқий дунёқараши ва тафаккури ўзига хос равишда мураккабдир. Унинг ижодида, биринчидан, бирор табақанинг ғурур-ифтихори, иккинчидан, адвокатнинг нозик дид соҳиби эканлиги, инжиқлиги, учинчидан, ҳаётнинг суд жараёнига ўхшатилиши кенг ўрин олган.

Корнель асарларида табақанинг ғурур-ифтихори хақида кўп ёзилган. Унинг фикрича, ўрта мактабларда бериладиган таълим-тарбияга қарамасдан, одоб-ахлоқ "мажбуриятнинг эҳтирос устидан ғалабаси" эмас. Бинобарин, Стендаль "Сид" шеъриятининг ўзига хослигини "инсон ақлининг юрак устидан ҳукми" деб нозик дид билан баҳолаган.

Родриго ўзи яхши кўрган қизнинг отасини ўлдириши, Гораций эса унинг опаси Камилани сўйиши керакмиди? Ушбу қаҳрамонларнинг деярли барчаси ҳозирда биз "мажбурият" деб қарайдиган тушунчани инкор этмайдилар. Улар рашк, зўрлик, нафрат, шуҳрат ва айниқса, табақаланиш ғурурини ўзида ифода этади. Шунингдек, улар ўзига яраша зиддиятларга ҳам эга: мулойимлик, иймон, меҳр-мурувват ва хусусан, ор-номус. Ф.Брюнтьер таъкидлаганидек, Корнель ижодининг марказида "хоҳиш-иродани илоҳийлаштириш ва мадҳ қилиш" ғояси ётади.

"Сид" асаридаги қаҳрамон Родригонинг ҳаракатларидан кейин Полиевкт "мен ҳам худди шундай йўл тутардим" деб такрорлаган.

Корнель ижодида адвокатнинг нозик инжиқлиги ўзига хос ўрин эгаллайди. Бу ор-номусли фожианавис адвокатларга хос бўлган менталитет, яъни судбозлик ёки судма-суд тортишиб юришга мойил характерга эга. Корнель қаҳрамонлари хоҳиш-ирода ва ўзлари ҳар доим асослаб келадиган унинг сабабларини мадҳ қилишни истайдилар. Масалан, ҳокимиятга интилишнинг энг ёрқин шаклларидан бирини, ҳаттоки асардаги қурбонлар ҳам маъқуллашларини хоҳлайдилар. Шу аснода, Родриго Хименага Гормас графи бўлган отасини қонуний ўлдирганлигини тушунтиришга интилади. Родриго бир томондан ор-номусни ҳимоя қилса, иккинчи томондан қасос масаласини ҳам ўртага ташлаб, ўзининг ҳақлигига Хименани ишонишга ундайди. Бу ҳолатга Химена ҳам қисман ишонади, натижада Химена фақатгина бошига тушган бахтсизликка йиғлаб, тақдирга тан беради. Саҳна шу тариқа ниҳоясига етади. Юнон фожиаларининг поклиги, барокконинг зўравонлиги ва мумтоз бадиий услубининг уйғунлиги... балки айнан мана шундадир Корнель даҳолигининг сири, — деб таъкидлайди таниқли француз ҳуқуқшуноси Ф.Малори.

Бир нарсага алоҳида урғу бериш лозим: Корнелнинг амалий ҳуқуқшунослик фаолиятида ҳам, адабий фаолиятида ҳам унинг юристлиги яққол кўзга ташланади.

Корнель асарларида ҳаёт суд жараёни каби акс эттирилади. Унинг фикрига кўра, "Сид" **бутун ҳаётимиз каби давом этадиган суд жараёнидир**. Графнинг ўлимидан сўнг, Химена Қиролдан ўз севгилиси Родригони жазолашларини сўрайди. Дон Диего ўғлини ҳимоя қилади. Бу ҳақиқий суд жараёнидир. Бечора Родригони ҳам тушуниш лозимдек кўринади. Бир томондан муҳаббат, иккинчи томондан ота учун қасос хоҳиши. Химена қиролдан адолат сўраб мурожаат этса, Дон Диего эса фарзандини ҳимоя қилишга ҳаракат қилади. Ҳар бирлари ўзларича ҳақ. Уларни эшитиб бўлгач, қирол бу ишнинг муҳокамасига ўтади. Лекин қаҳрамонлар ўз устидан ҳукм чиқариши каби вазиятлар – ҳаёт суд жараёнига ўхшаб кетишига қиёсланган. Шу ўринда Родриго танг аҳволга тушиб қуйидаги монолог орқали ички ҳиссиётини баён этади:

"Ор-номусимга муҳаббатим қарши чиқса,
Отам учун ўч олиб, маъшуқамдан воз кечарман.
Бири жон берган бўлса, иккинчиси қўлимдан тутар,
Икки томондан юрагимни тирнаб, оташ алангасида нечун ёқарсан?
Эй Худо, бу қандайин савдо!
Химена отасига керакми жазо?!"

Ушбу ўзига хос риторик услуб Пьер Корнелнинг ижодини янада ойдинлаштирган. Асарда ор-номус ва оила ҳуқуқи кенг тараннум этилган. Шу тариқа, ҳуқуқ эҳтиросларни бошқаришга хизмат қилган. Орномус ва ҳокимиятга интилиш каби тушунчалар муаллифнинг диққат марказида бўлиб, улардан бирини танлаш масаласи орқали ҳуқуқнинг жамиятдаги ўрни исботлаб берилган.

### *Корнелнинг ҳикматлари*

Кўп гапирган кўп аҳмоқликлар айтади.

* * *

Ўлимдан қўрқмаганга таҳдид солиб бўлмайди.

* * *

Қўрқувдан нафратланган киши ўта гердайиб юради.

* * *

Эркак рашкини жиловлаш мумкинми? Эҳтиёт бўлинг, бунда ҳаракат қилиш лозим.

* * *

Ўз дардингни айтиш билан баъзан енгил тортасан.

* * *

Биргина муҳаббат билан рашк уйғотиш эътиборли.

* * *

Севмай қўйган кишигина вазмин, оғир бўлади.

* * *

Ваҳима ва курашни билмаган юрак, ўзининг тошбағирлиги билан шубҳа уйғотади.

* * *

Тилагингни яшириб, ўз орзуларингни ҳам беркит.

* * *

Биз шу қадар фахр келтирган шон-шуҳрат, тутунни енгилгина тарқатгандек ўтар кетар.

* * *

Ошиқ кўз ёши билан енгиш бизни осон; шаҳло кўзлар оташи улар орасида яққол кўринар!

* * *

Ишқда адашган илтифот билмас.

* * *

Фақат гўзалликкина бизни куч билан мафтун этади, ўлимдан қўрқмай жонон ғазабидан қўрқамиз!

* * *

Жасур юрак мунофиқ бўлмас.

* * *

Ишончдан ишққача қисқа йўл. Ишонч уйғотиш — жуда улкан иш! Ошиқлигига ишонганингда, Сен ҳам севиб қоласан: шудир севги қонуни.

* * *

Ватан учун ҳалок бўлиш — бахт: қаҳрамонона ўлган ҳамиша абадийдир.

* * *

Нафрат билан жавоб берганни қаттиқ севиб қолишдан ёмонроқ азоб йўқ.

* * *

Ҳамма нарсадан қўрқиш лозим бўлган пайтда, ҳеч нарсадан қўрқмаслик керак.

* * *

Ҳар кун, ҳар бир лаҳза минглаб тасодифлар туҳфа этади.

* * *

Мулойимлик бефойда бўлган жойда зўравонлик тўғридир.

* * *

Муҳаббат ҳеч кимга раҳм қилмайдиган золим ҳукмдордир.

* * *

Қулай фурсатни эъзозлашимиз даркор.

* * *

Турмуш ўртоғини эмас, маъшуқани алмаштириш мумкин.

Тошкент вилояти адлия бошқармасининг 2012 йил 17 январдаги 03-А-ум-сонли буйруғига асосан "QONUN" адвокатлик фирмаси адвокати Зуфаров Тоҳир Октамовичнинг адвокатлик мақоми бошқа адвокатлик тузилмаларидан бирига киргунига қадар бўлган давргача тўхтатилди.

Республика Юристлар малакасини ошириш маркази жамоаси марказнинг катта ўқитувчиси Бурхонжон Усмоновга онаси **Мукаррам ая УСМОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ИНСОН ва ҚОНУН
1996 йилнинг январидан нашр этилади
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
www.minjust.uz
2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган
ISSN 2010-7897
Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ
ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Раҳимбекова Дилфуза Барпибоевна
Навбатчи: Ёрбек ИСКАНДАРОВ
Саҳифаловчи-дизайнер: Тўлқин РАУПОВ
Нашр индекси: 137
«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-6237. Тиражи — 21918.
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00
МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50
Баҳоси келишилган нархда
1 2 3 4 5